

## XIV АСР ИККИНЧИ ЯРМИ-XV АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДАГИ ЖАРАЁНЛАР

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннакр, Дашти љипчольда юз берган туб ўзгаришлар ижтимоий, илмий ва маданий каётнинг турли љирраларида ўз аксини топади. Бу ўзгаришлар эски ўзбек адабий тили тизимига, айнальса жамиятда юз берувчи кар љандай ўзгаришга ўша закоти муносабат билдирувчи лексик таркибга сезиларли таъсир кўрсатади.

Тадъиль этилаётган давр манбалари тилида эски ўзбек адабий тили лексикасини таркибан маълум маънода бир-бирига зид турувчи умумтуркий камда фальат эски ўзбек адабий тили учунгина мансуб бўлган лексик тизимга таъсимлаш ва уларни ўзаро фарълаш лозим бўлади.

XIV аср иккинчи ярмидан эътиборан олдинги лисоний узуснинг ўзгара бошлаши кузатилади. Лексикада умумтуркий ва эски ўзбек адабий тилига хос љатламлар яъљол фарълана бошлайди. Айни чоҳда эндигина ўз ўрнини эгаллашга жиддий киришган ўзбек адабий тили хос лексемалари љатори хали анча мустақкам мављега эга бўлган умумтуркий лексика ўртасида луҳат таркибида сальланиб љолиш учун ўзига хос љарама-љаршилик, ифодали љилиб айтганда «мусобаља» юзага чиљади.

Бу «мусобаља»да кар икки тараф ўз мављеини имкон борича сусайтирмаслик тадорикида бўлган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида эски ўзбек адабий тили лексикасида љадимги туркий тил (VII-X) щамда эски туркий тил илк даврига (XI-XII) тегишли умумтуркий сўз бойликнинг сон жикатидан кўплиги, љўлланиш жикатидан эса анча фаоллиги кўзга ташланади.

Ашёвий далилларга мурожаат этайлик. Ьутбининг Берке Фальих томонидан 1383 йили Мисрнинг Александрия шақрида кўчирилган, қозирги кунда Париж Миллий кутубхонасида сальланаётган ягона нухаси матнида 2500 лексема ишлатилганлиги проф. А. Нажиб томонидан ўз ваљтида аниљланган эди (1).

Олтин Ёрда ва Хоразм тил хусусиятларини ўзида мужассам этган (2) мазкур ёднома тилидаги лексик бирликлар Сайфи Саройининг «Вулистон бит-туркий», Хоразмийнинг «Муқаббатнома» асарлари сўз бойлигидан сезиларли фаръланса, иккинчи томондан 1310 йили Хоразмнинг Работўҳуз мавзеида Носируддин Бурқонуддин Рабҳузий томонидан битилган «Ьиссаси Рабҳузий», Мақмуд ибн Ас-Саройининг «Нақжул-фародис», муаллифи номаълум «Тафсир» лексикасига жуда яљин туради.

Асар лексикасининг диалектал белгисига кўра таснифи манба тилида ишлатилган сўз бойликнинг 38% умумтуркий характердаги лексемалардан ташкил топганлигини кўрсатади (3). Ьолган асосий љисмини эса, ўҳуз камда љипчоль элементлари ташкил љилади.

Умумтуркий характердаги (4) лексиканинг муайян љисми Навоийгача бўлган ўзбек адабий тилида ўз фаоллигини сальлаб љолган қолда, бошља бир љисми маълум даражада архаиклашган. Архаик лексемалар аксарият

льораконийлар даври бадий-лисоний анъаналарини ўзида сальаб льолган обидалар тилида кўринади. Структур жикатдан архаизмларни туб камда ясамаларга тальсимлаш лозим бўлади.

Биринчи гурук архаизмларга: а) мавкум маъно англаторувчи -изи «хўжайн; Аллоқ», эрдām «билим», асыћ «фойда», ал «макр, кийла», булун «асир» ва к.к; б) инсон фаолияти, табиий, маиший турмуш тарзи билан боғлиқ тушунчаларни ифодаторувчи - аћ «тўр, тузол», әтмāk/этмāk «нон», сў «лашкар лўшин», љулавуз «йўлчи, йўл бошловчи», йул «булоқ, чашма», иг «касалик, дард», тиши «урғочи; аёл киши», љумаш «кўйнак; кийим», ид «кид», ил «йил» ва к.к; в) анатомик маъноларни аглаторувчи - әл/эл «лўл», азаль «оёқ», боз «бой», айа «кафт», авуч «ковуч» ва к.к; г) зоологик маъноларни билдирувчи - инāk «сигир», уй (<уз<уд) «сигир» ва бошља лексемалар тааллули бўлса, иккинчи гурук архаизмларга: 1) ясама (аффиксация йўли билан қосил лилинган) отлар - сўньў «найза», йазуль «гуноқ», йармал «пул, альча», љузућ «лудуль», элик/илик «лўл», чимган «ўтлоқ, майсатор», табућ// табуль «хизмат», билик «илм, билим», оћлал «улоқ», ашлыћ «дон» ва к.к; 2) феълнинг функционал шакллари: өлмиш «ўлим, лазо», йәмиш «хўл (тар) мева», барћу «бориш, сафар лилиш», салынћу «әктиёт бўлиш», көчгў «кўчиш, лўзћалиш», битигли «ёзилган, битилган», кәчигли «ўтган, кечган», йараћлы «ярайдиган» ва к.к; 3) ясама феъллар: әзәрлә= «эгарламоқ», мунгља= «курмат лилимоқ», лабса//лапса= «ламал лилимоқ, луршамол», иглән= «касаланмоқ», бит= «ёзмоқ», бити=«битмоқ, ёзмоқ», тара= «экмоқ, сепмоқ», ыз= «нубормоқ, жўнатмоқ, отлантормоқ», йитўр= «йўлотмоқ, айрилмоқ» ва к.к; 4) морфологик усул билан ясалган ва белги хусусиятни ифодаторувчи лексемалар - итиг «ўткир, кескир», татлыћ «тотли, мазали» ва к.к. тегишли бўлган.

Этироф этиш лозимки, лайд этилатган даврга хос манбалардаги архаиклашган лексемалар кейинги пайтларда фаоллашган вариантлари билан ёнма-ён, параллел лўлланишини кўриш мумкин. М., азаль ва айаль «оёқ», боз ва бой «бўй, гавда, ломат», узы= ва уйу= «ухламоқ», ай= ва айт= «айтмоқ, демоқ», лазћу ва лайћу «лайћу, ҳам, алам», йапурћал ва йапраљ «барг, япроқ», йа/йай «ёй, камон» ва к.к.

Алишер Навоий ижодиётгача бўлган давр ўзбек тили лексикасида олдинги замонлар тилида лўлланишда кузатилмаган, ўзбек адабий тили бошља лардош туркий адабий тиллар латори ўз таральиёт босљичига кирган паллада унинг базасида вужудга келган лексик бирликлар алоқида акамият касб этади.

Маълумки, қар ландай миллий адабий тилга хос меёрлар камда лексик тизимнинг таркиб топишида расмий хужжатлар тили муқим ўрин эгаллайди (5).

Таассуф билан этироф этиш жоизки, ўрганилатган даврга тааллули кўпгина расмий хужжатлар асосан форс-тожик тилида битилганлиги сабабли амалий тил лексикаси хусусида батафсил мулоқаз билдириш борасида лийинчиликлар юзага чилди. Шунга ларамай бизгача етиб келган баъзи бир хон ёрильари мавжуд мушулни бироз бўлса-да

енгиллаштириш учун хизмат љилади. Олтин Ёрда кукумдори Тўхтамишхоннинг Польша љироли Ягайло (1392)га йўллаган хати, Темур Ьутлуђнинг 1397 йилга оид ёрлийлари (6) XIV аср охири ўзбек адабий расмий тили лексикаси хусусида фикр юритиш имконини беради. Ёрлийлар лексикасидаги соф туркий љатлам таркибига назар ташланар экан, унда эски туркий тилда мавжуд бўлмаган, фаљат эски ўзбек адабий тили сўз бойлигида фаол љўлланишда кузатилган бир љатор лексик бирликларни кўриш мумкин. М., йарђучы «судья, љози», тўман бэги «туман кокими», шакар бэги «шакар кокими», тартнаљчы «тарозибон», бўкăвўл «нархчи», йамчы «почтачи, алољачи», анбарчы «омборчи», йасальчы «божмон, солиљчи», љушчы «овчи», барсчи «барс овловчи», альтачы «от бољар» каби турли мансаб, рутба номлари, салыђ//салыљ «жон солиђи», тартнаљ «тарози кăљи, солиђи», љарауллуљ «сољчи кăљи», йол кăљи «йўл солиђи», табанлыђ «тобе кишилардан ундириладиган солиљ», тархаилыљ «таркон солиђи» каби солиљ ва ўлпон маъноларини ифодаловчи терминлар шулар жумласидандир.

Эътироф этиш лозимки, фаљат эски ўзбек адабий тилига мансуб янги лексемалар нафаљат расмий хужжатлар, ёрлийлар, шунингдек бадий адабиёт тилида кăм кенг љўлламда ишлатила бошлаган. Ушбу лингвистик кôлатни XIV аср иккинчи ярми ва XV асрда Ёрта Осиё, Хуросон, Афђонистон ва Киндистонда ўзининг янги ривожланиш босљичига кирган эски ўзбек адабий тилига оид, жумладан, Мовароуннакр кудудида д/з тилда ёзилган сўнгги асар, яъни «Ьиссаси Рабђузий»дан кейин й-тилда бунёд этилган Дурбек љаламига оид «Юсуф ва Зулайхо» асаридан эътиборан кузатиш мумкин. Поэтик тилнинг жонли халљ сўзлашув тилига яљинлиги билан муким акамиятга молик бу дostonда љадимги туркий тил ва эски туркий тил манбаларида љайд этилмаган туб кăмда ўзлашма лексик бирликлар, изофалар, изофали бирикмалар, љоришилљ лексемалар љўлланган. Достон лексикасининг нафаљат Ёрхун-Энасой, илк эски туркий тил (XI-XII), кăтто XIII-XIV аср эски туркий тил, жумладан, Хоразм обидалари тили сўз бойлиги билан муљоясаси муайян лексемаларнинг фаљат Дурбек асари лексик хазинасида дастлаб ишлатилганлигини кўрсатади. Бундай хос лексик бирликлар сирасига љачљаль «љочоль»,

Илики эгри, ёзи љачљаль эрўр  
Барча йаманлыљ ичидă талљ эрўр (25-4),

атака «тарбиячи, мураббий»:

Жами атака=у энăгăни кăм,  
Ким эдилăр барчасы хăс=и кăрам (37-12),

энăгă «энага»: ўй љызы «канизак, жория»:

Дэди Зулайхăга бу ўй љызлары,

Йусуф=и Сиддиль кэладүр бу сары (92-3)  
ва к.к. бирликлар оиддир. Салтанат ильтисодий-сиёсий каётида содир бўлган ўзгаришларнинг эски ўзбек адабий тилида акс этишини тасдиқловчи ашёвий далил сифатида «Йусуф ва Зулайхо» матнида давлат хазинасига тушиши лозим қисобланган солиёлардан бирини ифодаловчи мāl терминини келтириш маъсадга мувофиқ:

Шақ=и Йаман фикр лылыб бималāl,  
Сāлы=йу Хаббāзҗа йубарды мāl (63-3).

Асарда ижтимоий каёт тарзи билан бевосита боғлиқ латор тушунчаларни англатувчи бирликлар кам мавжудки, улар олдинги давр лўлёма обидаларида лайд этилмайд. М., «зиндонийлар, банди лилинганлар» семемасининг «Ўиссаси Рабҳузий» асарида зиндāн халъы бирикмаси билан англашилганлиги аён: Зиндāн халъы айдылар (I, 133). Лайд этилаётган маънони ифодалаш маъсадида Дурбек бирикманинг иккинчи компонентини эл сўзи билан алмаштиради ва зиндāн эли шаклига олиб келади:

Қар нэки зиндāн эли кўрсā бахāб,  
Барчаҗа таъбир лылыб дэр жавāб (70-15).

Шу ўринда эски ўзбек адабий тилида «маълум бир мамлакат, юртда биргаликда яшовчи ақоли» семемасининг халъ лексемасизиммасига юклатилиши боис даражаланиш муносабати нуқтаи назардан «гуруқ, жамоа, тўда» маъносини кам билдирувчи эл лексик бирлигининг Дурбек томонидан бирикма таркибига олиб кириш сабабини англаб этиш унчалик мушкуллик туғдирмайд.

Достонда зикр этилган семемани билдириш йўлида шунингдек зиндāний ўзлашмасидан кам фойдаланилган. Натижада, зиндāн эли ва зиндāний синонимик латори вужудга келади. Бирол, ушбу лексик парадигмаларнинг биринчиси иккинчисидан кўплик камда бирлик жикатдан ўзаро фаръланади. «Зиндон сольчиси» семемасини ифодаловчи зиндāнчы лоришил лексемаси биричи бор «Ўиссаси Рабҳузий»да лайд этилган: Зиндāнчы: «Йусуф тонын чыларалынь, лурыны йазалынь» -тэди (I, 123). Дурбек асарида бу лоришил термин лўлланишда давом этади:

Чарлады зиндāнчыҗа дэди:-Равāн  
Барҗыну зиндāнҗа кир ушбу замāн (54-5).

Айни пайтда достон муаллифи асар жозибадорлигини ошириш, бадийлигини турфа лилиш маъсадида зиндāнбāн ўзлашмасини матнга олиб киради:

Кирди чу зиндāнҗа бу зиндāнбāн,  
Дедик: - Йусуф, сәһā айлай айāн (54-13).

Тарихий-бадий асарлар кукмдор саройида турли мансаб эгалари хизматда бўлганлигидан далолот беради. Жумладан, кукмдор учун тайёрланадиган таомлар ва ичимликларнинг сифати, инсон қаёти учун қавфсизлигини таъминловчи мутасаддилар эски туркий тил обидаларида ашчы «ошпаз» ва айальчы «соъий» истилоқлари билан номланган: Ул икăгўниъ бири Раййан маликниъ ашчысы эрди, йана бир айальчысы эрди (ЛР, I, 133). Дурбек достонида «соъий» маъносининг сувчы лексемаси билан ифодаланиши, эски ўзбек адабий тилининг дастлабки даврларида лайд этилган маънонинг на фалат айальчы, шунингдек кейинчалик «сув ташувчи, қаммол» маънаси касб этган сувчы истилоқи билан қам англашилганлигини кўрсатади, дейиши мумкин бўлади.

XIV асрнинг иккинчи ярми-XV аср бошида расмий тил вазифаси кенгайиши латори мулоъот тилининг бош лексик фонди қисобланмиш ўзбек тили ўз лексикаси ролининг сезиларли даражада кучайиши ва кенгайиши кузатилади.

Мазкур давр адабий тилига халъ тилига оид сўзлар шиддат билан кириб кела бошлайди. Бу қодиса асосан турли жанрларда майдонга чилъан бадий адабиётда ўз ифодасини топади. Уларда авунчалъ, йаратлъан «Аллоқ», кўрк «жамол, қусн», кўзгў, «ойна», чыралъ, кэнăтă «тўсатдан, бирдан», сайран «хушвалът, хурсанд», уруђ «насл», ўђул- лъыз «фарзанд», босађа «остона», энăгă «энага», лъайчы, «лъайчи», айаль тутлъучы «соъий» каби мавқум, инсонлар кундалик турмуш тарзи, аниль-маиший маъно касб этувчи кўпдан-кўп лексемалар, сэвўн- «шод бўлмоъ, севинмоъ», авун-«овунмоъ, хотиржам бўлмоъ», чэвўр- «айлантирмоъ», йўклăн- «қомила бўлмоъ», кўзлă- «маъсад лъилмоъ», лъуч- «кучмоъ, ођушига олмоъ», лъазђан- «тўпламоъ, йиђмоъ», чырђа- «ўтказмоъ» каби феъл-лексик бирликлар кенг истеъмолда бўлган.

Таъкидлаш керакки, лексик таркибнинг сўз ясовчи неологизмлар қисобига бойиши тил таралъийётининг у ёки бу даврига оид асосий лексик жараён қисобланади. Бироъ, лексиканинг бойиш тезлиги қар бир даврда бирдай бўлмаслиги эқтимолдан қоли эмас.

Тил шакланиш бослйичларида шундай валътлар бўладики, унда қам ички, қам ташлъи сабаблар боис янги сўзларнинг пайдо бўлиши ўта фаоллашади, нисбатан лйслъа фурсат ичида тилнинг лексика тизими ўз ичига катта миъдордаги неологизмларни лъамраб олади (7). Навойгача бўлган давр айни шундай лисоний қодисаларни юзага чилъарди, Темурийлар салтанати, Олтин Ёрда хонликларида содир бўлган турфа ўзгаришлар бу жараёнга таъсир ўтказди. Натижада ўзбек адабий тилида латор янги сўзлар тизими вужудга келди.

Ушбу даврга хос етакчи лисоний жараёнлардан бири сифатида ўзбек адабий тили лексик таркибининг ўзлашмалар қисобига бойишини лайд этиш маъсадга мувофилъдир.

Гарчи XII-XIII аср адабий тилининг шаклланишида ўзга тиллардан кириб келган ўзлашмаларнинг сезиларли ролини таъкидлашга шу даврга

тегишли лўлўзма манбалардаги фактик материаллар изн бермаса-да, бу фикрни XIV аср иккинчи ярмидаги ўзбек адабий тили лексикаси позициясидан туриб бемалол айтиш мумкин. Ижтимоий кўётнинг турли соқаларида рўй берган кескин ўзгаришлар олийбатида макон ва замонда янги-янги нарсалар-предметлар, улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалаш маънасида янги сўзлар ўзбек тилига киради. XII-XIV аср биринчи ярмида араб, форс-тожик ва мўғул тилларидан ўзлашган ўзлашмалар кўпчилиги XIV аср иккинчи ярми-XV аср биринчи ярмида янги ўзлашмалар кўпчилигига янада кенгайди. Бу жараён Алишер Навоий даврида ўзининг кўпчилигига чўлилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўларанг: Аширбоев Ш. Ўутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони ва ўзбек адабий тили. Тошкент., 1997. 4-б
2. Ўларанг: Э.Н. Наджип. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. На материале «Хосрав и Ширин» Кутба. Кн. I. М., 1979. С.72.
3. Ўларанг: Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь. С-75-76
4. Бунда биз ладимги туркий тил ва эски туркий тилнинг илк даврига оид лексик бирликларни назарда тутмоьдамиз.
5. Ўларанг: Филин Ф.П. Об истоках русского литературного языка// ВЯ. №3. 1974. С. 7.
6. Ўларанг: Ярлыкь Хана Золотой Орды Тохтамыша к польскому королю Ягайлу. 1392-1393 года. Издан Князем К.М. Оболенским. Казань, 1850;Березин Н.Н. Ханские ярлыки. II . Тарханные ярлыки Тохтамыша, Тимур-Кутлука и Саадет-Гирея. Казань, 1851.
7. Ўларанг: Сорокин Ю.С. Развитие словарного состава русского литературного языка. 30-90-е годы XIX века. М.-Л., 1965. С. 180.

**Дадабоев Х. Лексические изменения в староузбекском языке, во второй половине XIV и в первой половине XV вв.** Статья посвящена анализу влияния социальных реформ в конце XIV и начале XV вв. в среднеазиатском междуречье на лексический пласт староузбекского языка.

**Ddaboev N. Lexical changes in old Uzbek at the second part of the XIV and the first part of the XV centuries.** The influence of social reforms on the lexical layer of old Uzbek in middleasian inter rivery are analysed in the article.